

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И
**РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛАЛАРИДА
ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШ ЙЎНАЛИШИДА
ЯХЛИТ МАНЗИЛЛИ ИШЛАШ ТИЗИМИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ — I-сон қарори ижроси натижасида маҳаллаларда жиноятчиликни **қарийб 1,5 бараварга камайтиришга** эришилганини инобатла ҳолда, шунингдек, маъзур йўналишда яхлит ишлаш тизимини жорий этиш ҳамда масъул раҳбарларнинг вазифаларини белгилаш максисида **қарор қиланам:**

I. Мақсадлар ва устувор вазифалар

1. Қуйидагилар ушбу қарорнинг асосий мақсадлари этиб белгиланган:

а) **яхитмийи профилактика** самарадорлигини **оширишни** устувор вазифа этиб белгилан ҳолда маҳаллаларда хавфсиз муҳитни ишончли таъминлаш бўйича манзилли профилактик чора-тадбирлар тизимини самарали жорий этиш орқали жиноятчиликни **кескин камайтириш;**

б) **оила-турмуш муносабатлари доирисида** ҳамда **аёллар ва ёшлар томонидан** содир этилаётган жиноятларнинг асл омилларини илмий ёндашувлар асосида таҳлил қилиш орқали уларнинг барвақт олдини олиш бўйича янги ишлаш механизмларини белгилаш;

в) ҳар қандай ноқонуний ҳолатлар юзасидан **мурожаатларга тезкорлик билан муносабат** bildirishi **бевосита** яратилиш яратиш, бу борадаги фаолиятни **бевосита**

жойларда самарали йўлга қўйиш орқали **аҳоли розили-
гига эришиш.**

2. Қўйиладиган барча масъул идоралар ва муассаса-
лар учун маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича
ташқиллий-профилактик чора-тадбирларни амалга оши-
ришнинг **устувор вазифалари** этиб белгилансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025
йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида
хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларининг барва-
қат олдини олиш тизими самарадорлигини янада оши-
риш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПҚ—1-сон
қарори** билан белгиланган механизмларига мувофиқ
ишларни давом эттириш;

б) ҳар бир маҳаллада қримингоним вазиятга салбий таъ-
сир этувчи омиллар билан ишлашнинг маҳаллалар кесими-
да чораларни маъниси чора-тадбирларини белгилаш
ҳамда уларнинг **маҳалла — туман — вилоят** даражасида
ижроси учун бевосита масъул раҳбарларни **биркти-
риш** ва зиммаларга аниқ **жавообгарликни** юқлаш;

в) маҳалла ҳудудида аҳолининг **ижтимоий-маиший
муаммоларини ҳал этиш** орқали олдини олиш мумкин
бўлган ҳар бир жиноят бўйича маҳаллий **ҳокимликлар-
нинг** масъулиятини **ошириш**, ижтимоий профилактика-
ча субъектлари томонидан амалга оширилган тадбирлар
самарадорлиги юзасидан **қатъий сўров тизимини**
йўлга қўйиш;

 **Лаохим 2-бетда**

▶ Давоми 2-бетда

38 МИЛЛИОН АҲОЛИНИНГ ОРЗУ-УМИДЛАРИ РЎЎБИ

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди. Анъанага айланган ушбу тадбирда 2025 йилдаги асосий кўрсаткичлар, 2026 йилга мўлжалланган аниқ мақсад ва вазифалар баён этилди.

Ушбу дастуриламал хужжат нафақат юртимиз кенг жамоатчилиги, балки хорижий давлатлар академик-эксперт доиралари, дипломатик корпус вакиллари орасида ҳам акс садо бермоқда.

Мурожаатномада 2025 йил якунлари сарҳисоб қили-
ниб, давлатни янада барқарор ривожлантириш, халқ фа-
роҳлигини қўллаш юксатлири, инсон ҳуқуқ ва эркинликла-
рини ҳимоя қилиш борасидаги ўта долзарб вазифалар
аниқ-рамён белгилаб берилди. Мамлакатимиз раҳбари
ўз чиқишида қўйлаб халқлиқ тақлиф ва ташаббуслар-
ни илгари сурди. Уларнинг рўёби жамиятда фаоллик-
ни оширади, давлат ва халқ ўртасида ҳик мулоқотни
муштаҳкамлайди. Асосийси, барчани умумий мақсад —
тараққий этган ва адолатли янги Ўзбекистонни барпо
етиши йўлида бирлаштиради.

Айниқса, 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши Мурожаатноманинг бутун моҳиятини ўзида муҷассам этган стратегик қарор бўлди. Зеро, маҳалла ўзбек жамиятини асрлар давомида шаклланган, аҳолини бирлаштирувчи ва тарбияловчи муҳим ижтимоий институтдир.

▶ Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИ:

ХАЛҚАРО ИШОНЧ ВА ИЧКИ ТАЙЁРГАРЛИК

ЁХУД БОЛАЛАР МАЙДОНЧАСИДАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГАЧА

Яшил майдон. Улкан стадион. Мадхия, ўйин шиддати, гол завқи, ғалаба шукуҳи, муҳлислар қувончи, кубок... Дарвозалар ўрнига гоҳ ғишт, гоҳ тош қўйиладиган чанг кўчадаги қўлбола ўйингоҳдан тўп тепиб қайтаркан, шуларни бола орузлари билан ҳаёлида гавдалантирмаган, олам-олам завқ туймаган одам кам топилса керак. Тактика билан бировнинг иши йўқ, чопганимиз-чопган, йиқилган-турган, йиқлаган, қувонган — сиз ҳам тўртбўрчак майдонни ҳаётнинг кичик бир модели, унинг келгуси синовлари, баҳслари, ўйинларига тайёролов экани ҳақида у вақтлар ўйлаб ҳам кўрмагансиз-ку, тўғрими?

Яқинда қишлоққа бордим. Ўзимча болалигимни тасаввуримда яхшироқ жонлантирмақчи бўлдимми, ҳар қалай хаёлларимга эргашиб, болалар майдончасига бориб қолибман. Йўқ, мен кўришни истagan манзарадан асар ҳам йўқ эди бу ерда. Ҳеч қимнинг уст-боши чанг бўлмаган, текис, сунъий чим ётқизилган ям-яшил майдонда болакайлар шошилмайгина, тартиб билан бир-бирига тўп

узатарди. Бу ерда мен тушунишга қийналаётган бир нарса бор эди. Аслида, ўзим ҳали ёшман, болалигим ҳам яқин ўн-ўн беш йиллар нари-берисида кечган. Бироқ болақайлар нигоҳида нимадир фарқли эканини сезиб тургандек эдим, бу ишончми, умидми, қатъиятми ёки уларнинг барчасини ўзида мужассам этган да-ддликми, аниқ айтишмн қийин...

▶ Давоми 6-бетда

ХАЛҚНИНГ ЧИНАКАМ ОВОЗИГА АЙЛАНИШ МАСЪУЛИЯТИ

ДОИМИЙ ИЗЛАНИШ ВА ФАОЛЛИККА УНДАЙДИ

Халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистонни, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш халқимизнинг олий мақсадидир. Сўнгги йилларда бу йўналишдаги эзгу ниятларимизга эришиш йўлида муҳим ислохотлар кечмоқда. Миллий ва халқаро тажрибадан келиб чиқиб, жамиятимизни тубдан ислоҳ этиш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Муражаотномасида ушбу раъвининг юксалирига хизмат қилаётган ушбу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ҳуусида тўхталар экан, “Биз ислохотларни аниқ амалий натижага айлантиришни ўргандик. Бунинг тасдиғини тобора янгича қиёфа касб этиб бораётган шахар ва қишлоқларимизда, замонавий корхоналар, савдо-сервис масканлари, мактаб, бонча ва шифохоналар, обод кўча ва маҳаллар, транспорт-логистика тизими, рақамли хизматлар мисолида аёқол кўриш мумкин”, деди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда жамият таракқиётини янги босқичга кўтариш мақсадида

белгиланган стратегик вазифалар ўз вақтида рўё-
га чиқарилиши натижасида турли соҳаларда туб-
таъғирли равишда бўлиши мумкин. Тарихимизда биринчи
мартга яқли ички маҳсулотимиз 145 миллиард дол-
лардан ошди. 2025 йил иқтисодийётимизга жалб қи-
линган хорижий инвестициялар ҳажми 43,1 мил-
лиард долларга етди. Жами инвестицияларнинг
яқли ички маҳсулотга қаратилиши 31,9 фоизни таш-
кил этди. Бу эса иқтисодийётимиз келгуси йилларда
жаҳа юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бориши
учун замин бўлади.

▶ Давоми 3-бетда

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ –
ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ
СЕЗИЛАЁТГАН СОҲА**

Боғча тарбияси профессионалликка асосланади. Бугун болаларнинг оилада эсини таниб, қўп нарсадан беҳабар мактабга бориши аввалгидай одатий ва табиий ҳолат эмас. Мактабгача таълим ташкилотлари (МТТ) ни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани сабаби шунда. Бундан 8 йил аввал боғчалар сони 5200 та эди. Бугун бу кўрсаткич 38 мингтага етган. Шундай бўлса-да, навбатда турганлар сафи анча кенг.

Шунинг учун ҳам “�ўзбекистон — 2030” стратегиясида 2025 йил якунига қадар мактабгача таълимга қамровни 78 фоизга, етказиш вазифаси белгиланганди. Шунга кўра қилинган саяё-ҳаракатлар туфайли мактабгача таълимга қамров кўлами

78,4 фоизга етди. 6 ёшли болалар қамрови 98 фоизга етказилиб, бепул тайёрлов гуруҳларида мактабга сифатли тайёрлаш ишлари бажарилди.

▶ Давоми 5-бетда

ИННОВАЦИОН КЕНГЛИК

ДАВЛАТ ВА ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИДА УНИНГ ЎРНИ БЎЛАКЧА

Дунё шиддат билан ривожланиб бормоқда. Ҳаётимизни телефон, компьютер, автомобиль ёки маъшиий техникасиз тасаввур қила олмаймиз. Оддий ва одатий кўринган ана шу қурилмалар қачонлардир юқори технологик ечимларга асосланган инновацион ғоя бўлган. Лекин шуниси аниқки, бугун интеллектуал салоҳият маҳсули бўлган ғоя ва инновацияларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Бошқача айтганда, инновация иқтисодий ва ижтимоий ривожни ҳаракатга келтирувчи кучга айланмоқда. Бинобарин, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ёш тадқиқотчиларга алоҳида эътибор қаратилиб, илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида белгилангани бежиз эмас.

2025 йил учун давлат бюджети ҳисобидан стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура ва докторантурага жами 150 та квота ажратилгани илмий кадрлар тайёрлаш сиёсати қўлами сезиларли натижада кенгайганини англатади.

▶ Давоми 5-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛАЛАРИДА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШ Йўналишида ЯХЛИТ МАНЗИЛЛИ ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

г) оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳамда аёллар ва ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятларни “илмий хулоса — тавсия — натижа” тамо-йили асосида жойларга чиққан ҳолда мақсадли илмий-амалий ўрганиш орқали самарали ташкилий-ҳуқуқий чораларни белгилаш;

д) маҳаллалардаги жамоат жойларда ҳуқуқбузарлик-ларнинг барвақт олдини олиш йўналишига замонавий ахборот-коммуникация ва сунъий интеллект техно-логияларини, ижтимоий профилактикага масъул идора-лар ва муассасалар томонидан қўрилаётган чораларнинг самарадорлиги устидан электрон назорат тизимини кенг жорий этиш.

II. Ташкилий-профилактик чора-тадбирлар

3. Белгилансинки, маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйишга қаратилган манзилли ишларни ташкил этиш мақсадида 2026 йилда ҳудудлар масъул раҳбарлар ва муассасаларга қўйидаги тартибда номма-ном бирик-тирилади:

а) криминоген вазияти оғир маҳаллалар — туман (шаҳар) ҳокимлари, прокурорлари ҳамда ички ишлар органлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;г)

б) беш йилдан буён “қизил” тоифада бўлаётган маҳаллалар — Миллий гвардиянинг ҳудудий бошқар-малари бошлиқлари, вилоят даражасидаги ички ишлар органлари раҳбарларининг ва ҳокимларнинг ўринбо-сарлари;г)

в) уч йилдан буён “қизил” тоифада қолаётган ма-ҳаллалар — ҳуқуқ-тартибот идораларининг таълим ва илмий ташкилотлари;г)

г) криминоген вазияти энг оғир туман ва ша-ҳарлар — вилоятлар даражасидаги прокурорларнинг ва ички ишлар органлари раҳбарларининг биринчи ўринбосарлари;г)

д) аёллар жиноятчилиги, спиртли ичимлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар жиноятчили-ги ҳамда низоли оиналар салмоғи энг юқори бўлган маҳаллалар — тегишинча вилоятлар даражасидаги оила ва хотин-қизлар, соғлиқни сақлаш ҳамда адлия бошқармалари бошлиқлари.г)

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: а) бириктирилган масъул раҳбарлар ва муассаса-лар зиммасига ўз ҳудудларида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш намунасини

яратиш, ҳудудий “йўл хариталари” билан белгиланган чора-тадбирларнинг тўлақонли амалга оширилишини таъминлаш ҳамда ижтимоий профилактика тизимини самарали йўлга қўйиш бўйича қатъий шахсий жавоб-гарлик юкланади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенга-ши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимлари ҳар ойда бевосита ўзлари камида иккита криминоген вазияти оғир ва мураккаб маҳаллаларга борган ҳолда ёшлар, аёллар ва ишсизларга нисбатан белгиланган ижтимоий профилактика тадбирлари-ни амалга ошириш ҳолатини танқидий ўрганади ҳамда уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини бар-тараф этиш бўйича манзилли чоралар кўради;

в) ҳар ой якунида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан маҳаллаларда содир этилган иж-тимоий-маиший тусдаги жиноятларнинг сабаблари ва уларни келтириб чиқарган омилларни танқидий му-ҳокама қилади ва ҳаракатсизликка йўл қўйган ижтимо-ий профилактикага масъул ташкилотлар раҳбар-ларига нисбатан чоралар кўради;

г) ижтимоий мослаштириш дастури якунланган-дан сўнг ижтимоий профилактика объектлари то-монидан жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида ушбу шахсларнинг турмуш тарзи бир йил давомида мониторинг қилиб борилади;

д) республика маҳаллаларида иловига мувофиқ тартибда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлигида “Ижтимо-ий профилактика ҳафталиги”ни ўтказиш амалиё-ти йўлга қўйилади;

ж) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенга-ши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ҳудудий прокурорлар ва ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳар чоракда кирити-ладиган қўшма таклифларига асосан маҳаллада жиноят-чиликни жиловлаш йўналишида масъул давлат идорала-рининг камида 15 нафар ўрнак кўрсатган раҳбар ва ҳодимлари маҳаллий бюджет даромадларининг прогноз-дан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш фонди (пул таъминоти)нинг бир баравари миқ-дорда пул мукофоти билан рағбатлантириб борилади.

III. Ташкилий-назорат чора-тадбирлар

5. Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт про-филактикаси борасидаги ишларни комплекс ташкил этиш мақсадида Бош прокуратура ҳузурида тузилган Республика идораларо мувофиқлаштириш ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштириш ишчи

гуруҳи) ўз фаолиятини белгиланган тартибда давом эттирсин.

6. Мувофиқлаштириш ишчи гуруҳи (Б.Валиев, А.Рахматуллаев):

а) 2026-2027 йилларда ҳар чоракда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳит яратиш ва ҳуқуқбузар-ликларнинг барвақт олдини олишнинг самарали таш-килий-техник тизимини шакллантиришга қаратилган ҳар бир ҳудуд кесимида асосий мақсадли кўрсаткич-ларни тасдиқлаб борсин ҳамда уларга эришиш ҳолати устидан назоратни таъминласин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кен-гаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир ҳудуд ва криминоген вазияти оғир маҳаллалар кесимида Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ–1-сон қарори бил-лан тасдиқланган маҳалла — туман — вилоят даража-ларидagi манзилли чора-тадбирларнинг намунавий “йўл хариталари” асосида ҳар чораклик ҳудудий “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва ижрога қаратиш-ни ташкил қилсин;

в) маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси борасидаги ишларнинг натижадор-лигини, шу жумладан, жойларга бевосита чиққан ҳолда тизимли равишда баҳоласин, шунингдек, ҳудудий “йўл хариталари” да назарда тутилган чора-тадбирларнинг изчил, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини доимий равишда қатъий назорат (шу жумладан, электрон назорат платформаси орқали) қи-либ борсин;

г) ҳар ойда камида иккита вилоят кесимида ма-ҳаллаларда амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати ва натижадорлиги бўйича барча масъул идора ва муасса-салар билан танқидий муҳомаалар ўтказилишини ҳамда ушбу масалага масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбарларга нисбатан лавозимидан озод этишгача бўл-ган тасир чоралари қўриб борилишини йўлга қўйсин;

д) маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ишларига муносиб ҳисса қўшган масъул раҳбарлар ва ҳодимлар-ни ҳар йили Маҳалла тизими ҳодимлари куни муно-сабати билан давлат мукофотларига тавсия қилиб борсин.

7. Белгилансинки:

а) маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш йўналишида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижадорлиги ҳар ой якунида — вилоят прокурорлари ва ички ишлар органлари бошлиқлари ҳузурида, ҳар чорак якунида ички ишлар вазирли ва Бош прокурор ҳузурида тегишли

вилоят ва республика раҳбарлари иштирокида танқи-дий муҳокама қилинади ҳамда Ўзбекистон Республика-си Президенти Администрациясига тахлилий ахборот ҳамда масъулларни рағбатлантириш ёки интизомий жа-золаш бўйича таклифлар киритиб борилади;

б) маъруза қарорга мувофиқ ҳудудларга бириктирил-ган масъул раҳбарлар ва муассасалар томонидан амалга оширилган ишлар ҳолати устидан назорат қи-лиш, шу жумладан, жойларга бевосита чиққан ҳолда уларнинг натижадорлигини баҳолаб бориш Мувофиқ-лаштириш ишчи гуруҳи ва унинг ҳудудий штаблари то-монидан таъминланади.

IV. Қўнуш устуворлигини таъминлаш чоралари

8. Қўндағиларга:

а) Бош прокурорнинг ва ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосарлигига — жиноятларни ҳисобдан яшириш, республика миқёсида кундалик ҳисоботларга сохта маълумотларни киритиш ҳолатларига тубдан бар-ҳам беришга қаратилган қатъий назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокурорлари ва ички ишлар орган-лари раҳбарлигига — жиноят ишини қўзғатишни асос-сиз рад этиш, жиноятларни ҳисобдан яшириш ва қасддан нотўғри малакалаш ҳолатларининг олдини олишга қар-тилган тизимли назоратни таъминлаш бўйича;

в) туман (шаҳар) прокурорлари ва ички ишлар ор-ганлари раҳбарлигига — аҳолининг ҳуқуқбузарлик ҳа-қидаги ҳар қандай мурожаатларини сўзсиз рўйхатга олиш, қўриб чиқиш натижасида қабул қилинган қарор-ларнинг қўнунийлигини ўрганиш ҳамда барча жиноий ҳолатлар юзасидан белгиланган тадбирлар ўз вақтида, қўнуний ва тўлақонли амалга оширилишини ташкил этиш бўйича шахсий жавобгарлик юклатилсин ҳам-да бу борада қатъий чоралар қўрилиши тўғрисида оғоҳ-лантирилсин.

9. Ички ишлар вазирлиги (А.Ташпулатов):

а) 2026 йил якунига қадар фуқароларнинг ҳуқуқ-бузарликлар тўғрисидаги оғзаки мурожаатларини соҳа ва ҳудудидан қатъи назар, ички ишлар органлари

ҳодимларининг хизмат планшетлари орқали реал вақт режимида ягона тартибда қабул қилиш ҳамда тегишли-лиги бўйича тезкорлик билан муносабат билдириш амалиётини йўлга қўйсин;

б) 2026 йил 1 ноябрга қадар фуқаролар томонидан маҳалла профилактика инспекторлари билан онлайн мулоқот қилиш, фото, аудио, видео ва ташвиш ха-барларини юбориш, шунингдек, уларнинг фаолиятига баҳо бериш имкониятини берувчи “Менинг инспекто-рим” мобил иловасини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш чораларини кўрсин;

в) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга-ликда 2026 йил 1 майга қадар оила-турмуш муноса-батлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида низоли оиналар ҳақидаги маъ-лумотларни тўғлаш, таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш имконини берадиган “E-jūmoīy profilaktika” ахборот тизимининг “E-nizoli oila” модулини жорий этиш ва модулни судлар ўртасида тўғридан-тўғри интеграция қилиш чораларини кўрсин;

г) 2026 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республи-каси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ–1-сон қарори билан белгиланган тартибда таҳлиллардан кел-либ чиққан ҳолда бошқа ҳудудларнинг криминоген вазият оғир ва мураккаб маҳаллаларида ҳам маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини йўлга қў-йиш ҳамда бунда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тезкор ҳаракат-ларни тизимини жорий этиш чораларини кўрсин.

В. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

10. Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қўнунийлик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгарти-риш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти Администрацияси департамент бошлиғи Д.Б.Қадилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2026 йил 5 январь

Ш. МИРЗИЁЕВ



Наргиза САЛОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда ушбу институтни ислоҳ қилиш ва уни халқ ҳаётига яқин, са-марали тизимга айлантириш бўйича кенг кўламли ишлар қилинди. Маҳалла раис-ларининг ваколат муддати 3 йилдан 5 йилга узайтирилиб, “еттилик” вертикал тизими яратилди. Бу ердаги ҳар бир имкониятни лойиҳага айлантириб, иш ўрни яратиш учун маҳаллаларга банкир ва солиқчилар бириктирилди. Инфратузилма учун ҳам алоҳида маблағ ажратилмоқда.

Албатта, маҳалла институтини ривож-лантириш масаласига бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки маҳалла ривожланиши бевосита жамият юксалишига хизмат қилади. Фаол маҳал-ла — фаол фуқаро дегани, фаол фуқаро эса демократик жамият пойдеворидир. Бу жамоатчилик назорати кучайишига, давлат ва халқ ўртасида ишонч орттиришга хизмат қилиб, ислохотлар барқарорлигини таъ-минлайди.

Юрт ободлиги ҳам, энг аввало, маҳал-ладан бошланади. Шу маънода, маҳал-ла инфратузилмасини тубдан яхшилаш орқали мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожлантириш, унинг қиёфасини янада гўзал ва обод қилиш давом эттирилади. Бу орқали маҳалланинг ваколат ва имконият-лари янада кенгайиб, аҳолининг турмуш даражаси ошади, ижтимоий муаммолар қисқаради, жамиятда ижтимоий ҳамжи-ҳатлик кучаяди.

Юртдошларимиз илгари оддий, маҳал-ла даражасида ҳал этиладиган масалалар бўйича ҳам ташкилотма-ташкилот, идора-ма-идора сарсон-саргардон бўларди. Бугун маҳаллаларда вазият тубдан ўзгарган. Ҳозир кўплаб масалалар ортиқча қоғоз-бозликсиз, югур-югурларсиз маҳалланинг ўзида ҳал бўлмоқда.

Муносабат

38 МИЛЛИОН АҲОЛИНИНГ ОРЗУ-УМИДЛАРИ РЎЁБИ



Юртдошларимиз илгари оддий, маҳалла даражасида ҳал этиладиган масалалар бўйича ҳам ташкилотма-ташкилот, идорама-идора сарсон-саргардон бўларди. Бугун маҳаллаларда вазият тубдан ўзгарган. Ҳозир кўплаб масалалар ортиқча қоғозбозликсиз, югур-югурларсиз маҳалланинг ўзида ҳал бўлмоқда.



Шу сабабли яшил ҳудуд, “яшил бог” яра-тиш бўйича ҳар бир депутатнинг ташаббу-сига қўшимча 330 миллион сўмдан йўнал-тирилиши гоят муҳим. Бу маблағ дарахт экиш, бог ва истироҳат ҳудудлари барпо этиш, кўкаламзорлаштириш учун ишла-тилади. Яшил ҳудудлар эса инсон ҳаёти сифатини ошириш, табиятни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишини таъ-минлашга имкон беради. Умуман, булар-нинг барчаси 2030 йилгача шаронти оғир

барча туманлардаги маҳаллаларга янги Ўзбекистон қиёфасини олиб киришга за-мин яратади.

2026 йилда илк бор маҳалла инфра-тузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўм вилоятларнинг ўзига бери-лиши маҳаллани фақат ижтимоий ин-ститут эмас, балки ҳудудни ривожланти-ришнинг асосий бўғинига айлантиради.

Давлатимиз раҳбарининг халқимизни ҳаётдан рози қилишдек улғвор мақсадга эришиш йўлида ислохотларни “маҳалла-бай” асосда амалга ошириш, барча ки-шлоқ ва маҳаллаларимизни жадал ривож-лантиришга биринчи даражали эътибор қаратаётгани янги Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон давлатимиз эътибо-рида эканини англатади.



Аёнки, бугун иқтисодий тараққиётни тадбиркорлар фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, тадбиркорлар қанча кўп бўлса ва кўпроқ даромад кўрса, давлат ҳам шунча бой бўлади. Шу боис, ишнинг қўзини биладиган, ватанпарвар ва фидойи тадбиркорлар давлатимиз томонидан алоҳида қўллаб-қувватланмоқда.



Соҳа вакиллари уларга яратиб бери-лаётган қўлай шароит, қатор енгиллик ва эркинликлардан куч олиб, иқтисодиётимиз локомотивига айланиб борапти. Қўлай тад-биркорлик муҳити яратиш борасидаги иш-лар самараси янгидан янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилаётгани, ишбилар-монлар сафи тобора кенгайиб бораётгани-да аққол намоён бўлмоқда.

Мурожаатномада тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича сиёсат давом эттирилиши, 2026 йилда асосий солиқ ставкалари ўзгаришсиз қолдирилиши, тад-биркорлик инфратузилмаси лойиҳаларига 10 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратили-ши айтилдики, бу минглаб тадбиркорлар-нинг айна кўнглидаги гап бўлди. Бу уларни янги марралар сари руҳлантиргани, фо-лидликка чорлагани ҳам бор гап. Ўз навбатида, бу имкониятлар бизнесни янада ривожлан-тириш, иш ўринлари ташкил этишга қар-тилгани билан диққатга сазовордир.

Бугун тадбиркорлик энг катта ва айна пайтда миллий иқтисодиётимизнинг му-ҳим йўналишларидан бирига айланди. Соҳадаги изчил ислохотлар, кичик бизнес вакилларининг ҳар томонлама қўллаб-қув-ватланиши яқин вақт ичида тадбиркорлар сони янада ортиб, иқтисодий барқарорлик таъминланиши, аҳоли фаровонлиги оши-шига хизмат қилиши шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг парламент ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси юрт тараққиё-тининг 2026 йилдаги долзарб йўналишла-ри ва истиқболларини қамраб олган жуда муҳим стратегик ҳужжат бўлди. Шундай экан, ҳар биримиз ислохотлар жараёни-га ҳиссамизни қўшилишимиз, инсон қадр и улугланган юрт ривож, тараққиёти учун бор куч ва салоҳиятимизни сафарбар эти-шимиз, белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда янада фаол ва ташаббускор бўлишимиз лозим. Зотан, агар ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, кўзлаган эзгу мақсадларимизга, албатта, эришамиз.



ПРОФЕССИОНАЛ СУДЬЯЛИК КОРПУСИ:

ТАДРИЖИЙЛИК, МАНТИҚИЙЛИК ВА ИЛҒОР ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Нуқтаи назар

Бугунги замонавий дунёда суд институтига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳимоячиси, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали қўриқлаш воситаси деб қараш тенденциялари устувор аҳамият касб этмоқда. Янги Ўзбекистонда ҳам суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш йўли билан одил судлов фаолиятини тўлақонли амалга ошириш энг муҳим вазифа сифатида белгиланди.



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



Шерзод АБДУҒОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академияси ректори

Эътиборлиси, Президентимиз парламент ва ҳалқимизда навбатдаги Мурожаатнома-сида 2026 йилда амалга ошириладиган энг муҳим 6 та устувор йўналишнинг олтинчи-си сифатида замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасида ҳам фикр билдирди. Жумладан, “Суд-ҳуқуқ тизи-мини ҳалққа яқинлаштириш қаратилган иш-ларимизни изчил давом эттирамиз. Биз одил судлов жараёнини “рақамли суд” концепция-си асосида ташкил этишни бошладик. Энди терговни ҳам рақамлаштириш орқали инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтирамиз. Бунда жиноят ҳақидаги аризани қабул қилишдан бошлаб, ишни судга ўтказишгача бўлган бос-

қичларга сунъий интеллект технологиялари жорий этилади ва инсон омили қисқартири-лади”, деди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамла-катимизда суд органларини ташкилий-инсти-туционал жиҳатдан тубдан такомиллаштириш-га қаратилган 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегия-сида Конституция ва қонунлар устуворлиги-ни ўрнатиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезонига айлантириш, давлат органлари ва мансабдор шахслар фао-лияти ўқидан самарали суд назоратини ўрнатиш, суд ҳокимияти мустақиллигини кучай-тириш ва фаолиятида очиқлиқни таъминлаш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш, умуман, ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтиришга қодир бўлган одил судлов тизимини шакллантиришдек эзу мақсадлар белгиланди.

Айниқса, суд соҳасида кадрлар тайёр-лашнинг амалдаги тизими таҳлилдан кели-б чиқиб, профессионал ва етук судьялик корпусини шакллантириш учун юқори стан-дартларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш тартибини тубдан такомиллаштириш, судьялар ва судлар аппа-ратлари ходимлари малакасини ошириш ти-зимини замон талабларига мослаштиришга қаратилган том маънодаги демократик исло-хотлар кечмоқда.

Бундан олти йил олдин давлатимиз раҳ-барининг тегишли қарори билан судьяликка энг муносиб номзодларни тайёрлаш, амалдаги

судьялар ва судлар аппаратлари ходимлари малакасини оширишга ихтисослаштирилган, Ўзбекистон суд тизимидаги ягона таълим ва илмий тадқиқот муассасаси — Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ташкил этилган эди.

Судьялар олий мактаби фаолияти йўлга қўйилгач, биринчидан, судьялик лавозимла-рига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд-лар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизими янги ёндашув, усул ва механизмлар билан такомиллашти-рилди.

Иккинчидан, судьялик лавозимларига номзодлар ва олий мактабнинг барча тинг-ловчиларида чуқур назарий билимлар билан бирга касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш қўникмалари, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормала-рига шарҳ бериш ва қўллашни ривожланти-ришга алоҳида эътибор қаратилди.

Учинчидан, бўлажак судьялар амалиёт билан чамбарчас боғлиқ жараён — стажировка ўташининг сифат жиҳатидан янги тизими

яратилди, шунингдек, илмий тадқиқот фао-лияти ва ўқув жараёни билан узвий боғлиқ-лигини таъминлашга эришилди.

Тўртинчидан, олий мактабдаги таълим жараёнида иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдалан-ган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш қўникмаларини ривожлантирадиган интер-фаол ўқитиш услубларини жорий этиш ке-нгайтирилди.

Бешинчидан, судьялик лавозимларига номзодларни қонунчиликдаги долзарб анги-ликлар, мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти ҳолати ва тенденциялари билан таништириб боришга алоҳида аҳамият қара-тилди.

Президентимизнинг 2025 йил 21 август-даги “Одил судлов соҳасида юқори мала-кали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-сида”ги фармони асосида Ўзбекистон Рес-публикаси Одил судлов академияси ташкил этилиши суд тизимини замонавий ва сало-

ҳиятли кадрлар билан таъминлашда янги даврни бошлаб берди десак, муболага бўл-майди.

Ушбу фармон одил судлов тизимига сало-ҳиятли судья кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳуж-жат ва улкан ижтимоий-сиёсий воқелик бўл-ди. Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судъ-ялар олий мактаби негизидан янгидан ташкил этилган Одил судлов академиясида таълим ва тарбия жараёнида бевоқиф “устоз-шогирд” аънанаси асосида “бўлажак судъяни судъя ўқитиш” тамойилига мувофиқ ташкил эти-лади.

Фармонда Одил судлов академиясида кас-бий қайта тайёрлаш курслари қонунчиликни қўллаш қўникмасининг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда “назария — амалиёт — имитация” тамойили асосида дуал таълим шаклида ташкил этилиши лозимлиги алоҳида вазифа сифатида белгиланди. Ака-демияда ушбу тамойил асосида дарс машғу-лотларини ташкил этиш катта ижобий самара бериши шубҳасиз. Чунки бунда бўлажак судъя машғулотлар давомида ҳар бир суд процесси

ҳаракат электрон тизимда қайд этилгани учун архив-да ҳужжатларни сақлаш тартиби янада мустаҳкамла-нади, ҳужжат хавфсизлиги технологик жиҳатдан янги босқичга кўтарилади. Бу ти-зим нафақат хавфсизлиқни таъминлайди, балки архив ишида интимиозий маданиятни ҳам шакллантиради. Фармон билан RFID технологиясининг жорий йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Миллий архиви, Ил-мий-техника ва тиббиёт ҳужжат-лари миллий архиви, Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архивларида сақла-наётган ҳужжатлар билан ишлашда мажбу-рий қўлланилиши, 2027 йил 1 мартга қадар босқичма-босқич Қорақалпоғистон Респуб-ликаси, Тошкент шаҳри марказий давлат архивлари ҳамда вилоят давлат архивлари-

балки тарихий ва антропологик тадқиқотлар-ни ҳам ривожлантиради. “Шаҳара” тизими орқали фуқаролар ўз аждодлари ҳақидаги маълумотларни осон, тез ва ишончли тарзда олиши давлат хизматлари сифатини анча ях-шилаيدди. Шунингдек, ушбу тизим жамиятда тарихий хотирани тиклаш, этнология ва де-мография каби фанлар учун янги маълумотлар базасини яратиш имконини беради. Шу билан бирга, оила шажарасида оид маълумотларнинг сақланиши, махфийлиги ҳамда ҳимоя қили-ниши таъминланади. Бу инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун муҳим жиҳатдир. Оила шажарасини шакллантириш хизмати Давлат хизматлари маркази ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали IX асрдан 1917 йилгача, 1919 йилдан 1945 йилгача, 1946 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврлар бўйича кўрсатилади.

Фармоннинг давлат бошқаруви учун яратадиган имкониятлари ҳам беқеъс. Ар-хивларнинг рақамли тизимга ўтishi давлат идоралари ўртасида маълумот алмашинуви тезлашуви, қарор қабул қилишда ишончли маълумотларга таяниш, коррупциявий хавф-лар пасайиши ва давлат хизматлари стандард-лашувига олиб келади. Рақамли тизимда ҳар бир мурожаатнинг изчил қайд этилиши шаф-фодлиқни ошириб, коррупциявий ҳолатлар-нинг олдини олади.

Белгиланган вазифалар ижроси архив та-шкilotлари ходимлари учун қўлайликлар яра-тади. Рақамлаштириш, сунъий интеллект ва RFID тизими жорий этилиши архивчиларнинг касбий фаолиятини сезиларли енгилаштира-ди. Авваллари оғир жисмоний меҳнат ва қўлда бажариладиган вазифалар архивчи вақтининг катта қисмини олган бўлса, ҳозир замонавий технологиялар ёрдамида архивчилар илмий, таҳлилий ва методик ишларга янада кўпроқ эътибор қаратиши мумкин. Эндиликда малака ошириш, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва замонавий технологиялар бўйича ўқув курс-ларини ташкил этиш белгиланган бўлиб, бу соҳага янги авлод рақамли мутахассисларни жалб қилади. Замонавий ускуналар, қулай иш жойлари ва хавфсиз меҳнат шартлари ар-хивчилик касби нуфузини оширади.

Хулоса ўринда айтиш мумкинки, мамла-катимиз архив тизимини тубдан модерниз-ациялашга хизмат қилувчи мазкур стратегик ҳужжатнинг амалиётга жорий этилиши давр талаби. Рақамлаштириш жараёнари архив хизматларини тезкор, қулай ва ишончли қилади, сунъий интеллект жараёналарнинг сифатини ошириб, инсон омилини камай-тиради. Давлат бошқарувида шаффофлиқни кучайтиради ҳамда коррупция хавфини ка-майтиради. Натигада янги Ўзбекистоннинг тарихий хотираси янада ишончли сақланади ва келажак авлодларга замонавий шаклда етказилади.

Янгича ёндашувлар


Архивлар давлатларнинг тарихий хотираси, ҳуқуқий мероси ва жамият тараққиётига оид институционал маълумотларни сақловчи тизим сифатида ҳар доим стратегик аҳамиятга эга бўлиб келган. Замонавий рақамли технологиялар ривожли архив ишининг аънавий шаклдан технологик шаклга ўтишини талаб қилмоқда. Сўнгги йилларда давлат бошқарувида очиқлик, тезкорлик ва рақамли трансформация жараёнлари кетаётган бир пайтда архив соҳаси ҳам замонга монанд ривожланмоқда.

Президентимизнинг 2025 йил 24 ноябр-даги “Архив иши соҳасини рақамлаштириш ва соҳада бошқарув самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фар-мони архив тизимини янги босқичга олиб чиқиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қил-моқда. Мазкур ҳужжатда архив жараёнла-рини тўлиқ рақамлаштириш, соҳада сунъий интеллектдан фойдаланиш, RFID технология тизимини жорий этиш ва шажара ахборот тизимини яратиш орқали архив инфратузил-масини тубдан модернизация қилиш каби бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Мазкур фармоннинг долзарблиги шун-даки, у нафақат техник янгиланишни, балки архив соҳаси орқали фуқаролар ва давлат ўр-тасидаги ахборот алмашинувининг тамоман янги маданиятини шакллантиришни ҳам мақ-сад қилган. Архив хизматларининг тезкор, шаффоф ва коррупциядан холи бўлиши, ҳуж-жатлар хавфсизлиги ва сақланишини таъмин-лаш каби вазифалар мамлакатда “электрон ҳукумат” куриш жараёнининг узвий қисмига айланиб улгурди.

Аввало, рақамлаштириш сиёсати ҳуж-жатларнинг электрон шаклга ўтказилиши, архив маълумотларининг ягона платформа-да жамланиши ҳамда уларни узок муддатли сақлаш механизмининг мустаҳкамланишига қаратилган. Эндиликда нафақат сканерлаш, балки ҳужжатларнинг тозаллиги, аниқлиги ва излаш тизимларида самарадорлик яратилади.

Жорий йил 1 июндан архив хизматларини рақамлаштиришда қўлланиладиган амалда-ги архив ахборот тизимлари негизида Ягона миллий архив ахборот тизими жорий эти-лади. Бунинг афзаллиги шундаки, электрон ҳужжатлар вақт ўтishi билан эскирмайди, йўқолмайди ва қайта-қайта кўриш жараёни



РАҚАМЛИ АРХИВ ШАФФОФЛИКНИ ОШИРИБ, ИНСОН ОМИЛИНИ КАМАЙТИРАДИ



Сайёра МУҲАММЕДОВА,
Ўзбекистон илмий-техника ва
тиббиёт ҳужжатлари миллий
архиви бўлим мудир

уларнинг физик ҳолатига зарар етказмайди. Архив фондларининг катта қисми электрон муҳитга ўтган, уларнинг бир неча нусхада махсус серверларда сақланиши хавфсиз-лик даражасини сезиларли оширади. 2030 йилгача архив ҳужжатларининг 60 фоизи рақамлаштирилади. Бу уч босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда 2025-2027 йилларда архивлардаги алоҳида қимматли ва ноёб ҳуж-жатлар, мол-мулк ва ерга оид архив ҳужжат-лари тўлиқ рақамлаштирилади. Иккинчисида 2028-2029 йилларда кино, фото, фоно ва ил-мий-техник архив ҳужжатлари рақамлашти-рилади. Шунингдек, 2030 йилдан Ўзбеки-стон Республикаси Миллий архив фондининг бошқа архив ҳужжатлари ҳам электрон шакл-га ўтказилади.

Шу билан бирга, сунъий интеллект те-хнологияларининг архивларда қўлланилиши жараёнлар сифатини тубдан ўзгартиради. Сунъий интеллект матнни таниб олиш, эс-кирган ҳужжатлар тасвирини тозалаш, авто-матик индекслаш, ҳужжатларни мазмунига қараб гуруҳларга ажратиш, бир хил турдаги ҳужжатларни ўзаро боғлаш каби жараёнлар-ни инсондан анча тез амалга оширади. Нати-жада архивчи қўлда бир неча кун сарфлайди-ган вазифани бир неча дақиқада бажаради. Бу жараён инсон омилини камайтиради ҳамда хатоликларнинг олдини олади. Пировардида хизматлар тезлашади. Сунъий интеллект асо-сида яратилган қидирув тизими юз минглаб ҳужжатлар орасидан сониялар ичида керакли маълумотни топиб беради.

Бу илмий изланишлар, жамоатчилик му-рожаатлари ва давлат идоралари фаолиятида самарадорлиқни оширади. Шу билан бирга, электрон хизмат кўрсатиш улуши 100 фоизга етказилади ҳамда хизмат кўрсатиш муддати камида уч баравар қисқаради. Жумладан, бу йил 1 мартдан бошлаб архив ҳужжатлари ёки уларнинг кўчирма нусхаларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча олиб чиқиш учун рухсатнома бериш муддати 15 иш кунидан 5 иш кунигача, яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат дафтарасида-ги ёзувларни тасдиқлаш муддати 20 иш ку-нидан 10 иш кунигача, олий ва ўрта-махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқ-лаш ҳақидаги архив маълумотномаси бериш муддати 5 иш кунидан 2 иш кунигача, архив ҳужжатлари, китоблар ва қўлемаларни ра-қамлаштириш (электрон нусха олиш) каби хизматларни бажариш муддати 3 иш кунидан 1 иш кунигача қисқартирилади. Бу эса архив хизматларини кўрсатишда янги имкониятлар очади.



Архив соҳасидаги яна бир янгиллик — RFID (Radio Frequency Identification) янги ра-диочастота идентификацияси) тизими жорий этилишидир. RFID радиосигналлар ёрдами-да маълумотлар ўқиладиган ёки ёзиладиган объектларни автоматик идентификациялаш усули ҳисобланади. RFID технологияси ҳар бир ҳужжатга ўрнатилган махсус чиплардан иборат бўлиб, улар орқали ҳужжатларнинг ҳаракати реал вақт режимида кузатилади. Унда ҳар бир архив ҳужжатига уникал иден-тификация рақами берилади ва улар архив ахборот тизими билан интеграция қилинади. Мазкур технология архивларда ҳужжатлар йўқолиши, жойидан нотўғри олиниши ёки қўйилиши, бошқа бўлимларга тасодифий кў-чиб қолиши ёки рухсатсиз фойдаланилиши каби ҳолатларнинг олдини олади. Ҳар бир

да сақланаётган ҳужжатлар билан ишлашда қўлланилиши юзасидан Вазирлар Маҳма-сига таклиф киритиш белгиланди.

Янги ислохотларнинг муҳим таркибий қисми Адлия вазирлигининг фуқароларнинг оилавий шажаралари бўйича маълумотларни онлайн тарзда тақдим этиш имкониятини бе-рувчи “Шаҳара” ахборот тизими жорий этили-ши бўлди. У фуқароларга генеалогик тарихла-рини аниқ ва илмий асосда ўрганиш имконини беради. Мазкур тизим давлат реестрлари, ар-хив фондлари ва Республика суд экспертизаси марказининг ДНК маълумотлари билан инте-грация қилиниши орқали фуқароларнинг этик-келиб чиқиши ҳақидаги маълумотларни аниқ-лик билан шакллантиришга хизмат қилади. Бу нафақат миллий ўзлиқни мустаҳкамлаш,



Юксалиш палласи

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ — ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ СЕЗИЛАЁТГАН СОҶА

Бошланиши 1-бетда

Рақамларнинг йилдан йилга ошиб бориши талаби мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтиришга хизмат қилади. Янги турдаги МТТларнинг тизимга кириб келиши туфайли давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари сони 8 баробар ошди. Тизим самарадорлигини ошириш учун давлатимиз раҳбарининг 10 га яқин фармони ва қарорлари чиқди. Таълимга энг кўп эътибор берилган 2025 йилда давлатга тегишли 100 дан ортқ, хусусий шериклик асосидаги 100 дан зиёд янги МТТ ва 1200 га яқин оилавий богча фаолияти йўлга қўйилди. Натижада мамлакат бўйлаб 100 мингга яқин бола ўрни очилди. Қамровни ошириш мақсадида янги, замонавий лойиҳалар асосидаги 38 та МТТ қуриб битказилди. 129 тасида реконструкция, 15 тасида мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилди. Чекка ва олис, тоғли, МТТ қуриш имкони бўлмаган ҳудудларда 30 та янги автобус негизидagi 60 та мобил гуруҳ орқали 3000 га яқин бола мактабгача таълимга жалб этилди.

Илк бор тажриба-синов тариқасида 208 та богчада инклюзив гуруҳлар очилди. Уларга қараб олинган болалар билан коррекцион ривожлантирувчи машгулотлар ўтаётган тарбиячи, тарбиячи ёрдамчиси, психолог, дефектолог, логопедларнинг иш ҳақига қўшимча устамалар белгиланди.

2025 йилда 50 та туман (шаҳар)да Илк ривожланиш марказлари очилди. Мактабгача таълим хизматларидан фойдаланишнинг аjoyиб муқобили бўлган, давлат томонидан молиялаштириладиган ва бошқариладиган бу шакл ўзини оқлаётган тажриба сифатида республикамизнинг барча ҳудудида жорий этиляпти. Бу марказлар мактабгача таълимга қамраб олинмаган 3-6 ёшли болалар учун “ўйин гуруҳлари” ва алоҳида таълим олиш эҳтиёжи бўлган 2-7 ёшли болалар учун “махсус мактабгача таълим хизмати” моделлари асосида иш юрятьпти. Уларга болаларни қабул қилиш давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш тартиби асосида амалга ошириляпти. Бу борада камбағал оилаларнинг фарзандларига

устунилик берилмоқда. Тарбияланувчиларнинг давлатга тегишли бошқа мактабгача таълим ташкилотларидаги навбати сақлаб қолиниши, улардан ота-она тўлови ундирилмаслиги ҳам аҳолига жуда катта амалий ёрдам бўлди.

Сон эмас, сифат бирламчи

Болани богчага олиб боришдан мақсад уни кечга қадар фақат назоратда ушлаб туриш эмас. Шу боис, МТТларда таълим-тарбия сифатини оширишга жиддий ёндашиляпти. Қўлланмалар, дастурлар янгиланаётгани, хориж тажрибаси асосидаги лойиҳалар ишлаб чиқилаётгани фикримизни тасдиқляпти. Жумладан, 2025 йил мактабгача таълим ташкилотлари учун Сингапурида “Marshall Cavendish Education” ташкилоти билан ҳамкорликда тарбияланувчиларнинг интеллектуал ва ижодий ривожланишига йўналтирилган “Кувноқ математика”, “Билагон болажон” номли ўқув-методик жаммуалар тайёрланди. Тарбияланувчилар ушбу машқ дафтарлари орқали сон ва санокни ўрганипти, шакллари фарқляпти, мустақил тафаккурини ривожлантиряпти. Уларнинг кундалик ҳаётдаги математик масалаларни еча олаётгани, амалий топшириқларни бажаришга уринаётгани ҳам ҳақиқат.

Пойтахтимизда ўтган мактабгача таълим тизимини трансформациялашга доир халқаро илмий-амалий конференцияда маҳаллий ва хорижий мутахассислар миллий ислохотларни халқаро тажриба билан уйғунлаштириш, инновацион ёндашувлар, сунъий интеллект, инклюзив таълим масалаларини муҳокама қилгани тизим тараққиёти йўлидаги яна бир ҳаракат бўлди. Зеро, мавзу доирасида амалий тавсиялар ишлаб чиқилди, тажриба алмашилди.

Сифат ва самарадорлик ҳақида гап борар экан, 2025 йилда барча ДМТТ гуруҳларига болалар ёш хусусиятларига ва халқаро стандартларга мос, миллий қадриятларимизга асосланган 45-50 номдagi ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйинчоқлар, ўйинлар тўпламлари давлат бюджети ҳисобидан етказиб берилганини таъкидлаш ўринли. Бу педагогларнинг вақтини, меҳнатини қадрлаш



билан бирга таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган эзгу иш ҳамдир. Бинобарин, қаерда таълим сифати юқори бўлса, шу ерда болалар тўлиқ қувватда қамраб олингани яққол кўриниб турибди. Таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган 325 та таянч МТТ эса электрон доска ва планшетлар билан таъминланди.

Ўтган йил “Илк қадам” давлат ўқув дастурида болаларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш, сўз бойлигини ошириш, она тилида мулоқот қилиш маданиятини шакллантириш, адабиёт ва халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, педагоглар учун “Ўзбек тилида таълим-тарбия бериш методик қўлланмалари”, “Болалар нутқини ривожлантириш технологиялари” каби янги

адабиётлар, мультимедияли воситалар, интерактив ўйинлар ишлаб чиқилди.

Таълим-тарбия жараёнига инновациялар, илгор технологияларни жорий этиш мақсадида директор ўринбосари лавозимни жорий этилгани, МТТларда “Маҳорат кўни”, “Методик маҳорат соати” тадбирлари ташкил этиляётгани ҳам тизимдаги янгиланишларга хизмат қилляпти. Ҳар ойда 2 марта белгиланган дастур асосида педагогларни ўқитаётган энг намунали таянч МТТларнинг директор ўринбосарлари 20 фойз устамга оляпти. Чунки уларнинг ёрдами билан педагог кадрлар салоҳияти, касбий ривожланиши паст ҳудудларда жонланиш кузатила бошладди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 3000 га яқин мактабгача таълим ташкилоти педагоглари учун “Мувозанат” педагогларни психологик қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасидаги тренинглар қатнаш-

чиларнинг касбига муҳаббати ва масъулиятини янада оширишда муҳим омил бўлди.

— Мутахассислар учун ўтказилаётган бу лойиҳанинг барча харажати давлат томонидан қопланди, — дейди лойиҳа юритувчиси, психолог Хуррият Раҳматуллаева. — У мактабгача таълим тараққиёти, болаларнинг руҳий ва ҳиссий саломатлиги, умуман, таълим соҳасидаги мутахассисларнинг ўз жамоасида юқори натижага эришишига хизмат қилди. Асосий мақсадимиз — болалар билан ишлаётган мутахассислар фикрлаш тарзини ва ҳаётини позициясини ўзгартириш, уларга жамиятдаги ўрни ва масъулиятини ҳис этириш эди. Педагоглардаги ўзгаришларни кўриб, лойиҳа жуда яхши натижа берганини англадик.

Илк бор ташкил этилган лойиҳа педагоглар учун мўлжалланган амалий машгулотлар, тренинглар ва мулоқот сессиялари орқали ички хотиржамликни топиш, тушунлиқни енгитиш ва ҳиссий мувозанатни сақлаш кўникмаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Бугун ҳамма соҳада, айниқса, мактабгача таълим тизимида малакали, фидойий кадрлар сув ва ҳаводо зарур. Болалар билан профессионал ишлай оладиган ходимларгина таълим пойдеворини мустаҳкам қуришга ҳисса қўша олади. Богча тарбиячиларини тайёрлайдиган олийгоҳлар билан доимий ҳамкорлик ўрнатилгани, мунтазам малака ошириш курслари ташкил этиляётгани, хорижлик мутахассислар жалб қилинаётгани сабаби ҳам шунда. Узоқ ва чекка ҳудудлардаги мактабгача таълим ташкилотлари педагоглари учун аудитория кўринишидаги

4 та автобус негизида мобил малака ошириш хизматлари йўлга қўйилгани эса масаланинг нечоғлиқ муҳимлигини далолат. Чунки жорий йилдан бошлаб мактабгача таълим ташкилотларига биринчи марта ишга қабул қилинаётган стажёр-тарбиячилар ва богча психологлари ҳам мажбурий касбий сертификатлаш синовларидан ўтади. Бир йиллик иш муддати аяқланган, фақат сертификат олган ёки аттестацияда етарли натижа кўрсатган педагоглар билан доимий меҳнат шартномаси тузилади.

Экология бурчаклари ва йўлакчалар — йил лойиҳалари

2025 йил Чирчиқ шаҳридаги болалар богчаларидан бирида Хитой тажрибаси асосида касбга йўналтириш ишлари йўлга қўйилди. Бунда тарбияланувчиларнинг ички имконияти, эҳтиёжи ва қизиқиши ҳисобга олинади. Болаларнинг касбга интилишини ошириш мақсадида илгор хорижий тажрибалар ўрганиб чиқилиб, богча замонавий мебель жиҳозлари ва зарур ускуналар билан таъминланган. Хитой тажрибасидан фойдаланиб, ўғил-қизларнинг ватанпарварлик ва жамонавий ишлаш кўникмасини ҳамда ижодий қобилиятини ривожлантириш кўзда тутилган.

Жумладан, Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида янгидан реконструкция қилинган 10-мактабгача таълим ташкилотида ҳам ўйин асосида касбга йўналтириш тизими йўлга қўйилди. У болаларда келажак касбларига қизиқиш уйғотади ва амалий билимларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, ташкилотда “Экологик бурчаклар” ва “Экологик йўлакчалар” ташкил этилиб,

болаларда табиатни англаш, экологик онг ва ижодкорликни уйғунлаштириш имконияти яратилди. Бу ҳозир энг долзарб масала бўлган экология, агроф-муҳит, иқлим ўзгаришига доир билимларни ўғил-қизларга богча ёшидан бошлаб бериш кераклигининг амалий кўриниши.

Намунавий ҳудудлар

Давлатимиз раҳбари ўтган йил 9 сентябрь кўни мактабгача ва мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар ижроси ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мактабгача таълимга қамровда Қашқадарё вилоятини намуна қилиб кўрсатди. Вилоятнинг барча туманида хусусий сектор ва чет эллик ҳамкорлар билан икки йилда богча ва мактаб ўрни 3 баробар кўпайгани таъкидланиб, вилоят ҳокимларига бу тажрибани ўрганиш вазифаси топширилди.

Дарҳақиқат, вилоятнинг Қамаши туманидаги олис ва чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган болалар учун махсус лойиҳа йўлга қўйилгани ҳам эътирофга сазовор. Чангак ва Қизилқиллоқ маҳаллаларининг мактабгача ёшдаги болалари ҳар кўни эрталаб “Ақлвой” автобус-боғчасида 32-ДМТТга олиб келинади. “Мобил А” ва “Мобил Б” гуруҳларида 16 нафардан бола таълим-тарбия жараёнига жалб қилинган. Тарбиячилар ҳамроҳлигида автобусда богчага қатнаётган болалар машгулотлардан сўнг яна уларига элиб қўйилади. Ота-оналар бундай хайрли ишлардан миннатдор, фарзандларидан эса кўнгли тўқ.

Мактабгача таълимга қамраб олишда янги ёндашувнинг энг самарали муқобили шакли сифатида қайта жиҳозланган “ISUZU” автобуслари негизида “Ақлвой” мобил мактабгача таълим ташкилотлари йўлга қўйилганига 5 йил бўлди. Дастлаб 16 та автобусда ташкил этилган мобил гуруҳлар бугунга келиб, мамлакатимизнинг 216 та чекка маҳалласида 400 дан ортқ, 102 та “Ақлвой” автобуси негизида қарийб 10 минг бола мактабгача таълимдан баҳраманд бўляпти. Ойида эмас, мактабгача таълим масканида бўлгани учун минглаб болалар бийрон сўзляпти, тил ўрганипти, ҳатто мантқийй фикрляпти.

2025 йил 5-7 ёшли тарбияланувчилар ўрта-сидан истеъдодли болалар ҳам кашф қилинди. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган уч босқичли “Жажжи нури оюлдузлар” фестивалида минглаб ўғил-қиз ўз ижодий қобилиятини намойён этди.

Видеоселектор йиғилишида богча ўринларини кўпайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, ҳар бир туманда богча қамрови 80 фойздан кам бўлмаслиги белгиланди. Бунинг учун вилоят ва туман ҳокимлари олдида бўш ерларни топиб, аукционга чиқариш, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргалиқда қайси мактаб ва богчада бўш жой бўлса, богча қуриш реласини белгилаш вазифаси қўйилди.

2025 йил таълимга алоҳида эътибор йили бўлди. Бўш ерларда богча ташкил этиш бўйича хусусий шериклик ёки сармоя киритиш шарти билан уч йиллик дастур қабул қилиш, янги хусусий болаларга субсидия бериш, тарбиячилар маошини қисман қоплаш тартибини жорий қилиш каби вазифалар ижроси натижасида қамровни режадаги кўрсаткичларга етказишга муваффақ бўлинди. Тўғри, янги йилга бирорта муаммосиз, бекам-кўст ўтдиқ дейиш мушкул. Бироқ аяқланган йил берган имкониятлар, таълим тизими тарихида бўлмаган имтиёзлар туфайли муаммолари масалаларга ечим топилади, тўсиқлар аста-секин бартараф этилади.

Муножат МЎМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Илм-фан

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 8 сентябрь кўни таълим тизимини ислох қилиш масалаларига оид тақдирот билан танишар экан, олий таълимдан кейинги таълим тизимида илмий даражадаги кадрларни тайёрлаш тартибининг тақомиллаштириш бўйича муҳим тақлифларни маъқуллади. Хусусан, докторантурага ажратиладиган квоталар мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб шакллантириладиган бўлди. Бу ўз-ўзидан илмий тадқиқотлар мазмуни ва йўналишларини миллий ривожланиш эҳтиёжларига узвий боглаш имконини яратди.

Мазкур ёндашувнинг амалий натижаси сифатида 2026 йил учун стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторанти, докторантура ҳамда мақсадли докторантурага ажратилган 5300 та квотанинг 60 фойзи илмий кадрлар тайёрлашининг устувор йўналишларига мос ихтисосликларга йўналтирилди. Бу эса фан ва инновациянинг стратегик аҳамиятга эга тармоқларини тезкор ривожлантириш, илмий салоҳиятнинг мақсадли ошириш ҳамда рақобатбардош илмий натижалар яратиш имконини беради.



— Агар 2017 йилда докторантура учун давлат бюджетидан атиги 24 миллиард сўм йўналтирилган бўлса, бугунги кунда 989 миллиард сўмга етди, — дейди Инновацион ривожланиш агентлиги директори вазифасини вақтинча бажарувчи Асрор Норов. — Бундай кескин ўсиш илмий тадқиқотларни молиялаштиришнинг барқарор тизими шаклланаётгани, шунингдек, илмий кадрлар тайёрлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини кўрсатади.

Олий таълимдан кейинги таълим тизимида стажёр-тадқиқотчилик институтини йўлга қўйилиши илмий кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Ушбу институт таянч докторантурага тайёрлов босқичи вазифасини бажариб, ёш тадқиқотчиларга

илмий фойлиятнинг дастлабки босқичларида зарур бўлган методология, таҳлилий ва амалий кўникмаларни шакллантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Стажировкалар аҳамияти

Илмий стажировка талабалар ва ёш олимлар учун илмий-тадқиқот муассасаларида амалий кўникмаларни пухта эгаллаш имконини бериувчи самарали механизмдир. У нафақат назарий билимларни амалий жиҳатдан мустаҳкамляпти, балки янги илмий ғояларни шакллантиришга ҳам замин яратди.

Жаҳон амалиётида илмий стажировкага таълим ва тадқиқот интеграциясининг муҳим шакли

сифатида қаралади. Қўллаб олимлар стажировкани инновацион фикрлашнинг ривожлантирадиган ва изланишлар сифатини оширадиган омил деи тавсифляпти. Мамлакатимизда ҳам сунгги йилларда илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва халқаро стажировкаларни кенгайтириш бўйича қатор дастурлар амалга оширилмоқда.

— 2018-2025 йиллар давомида илм-фан ривожланган давлатларнинг етакчи илмий муассасаларида 1200 дан зиёд ёш олим илмий стажировка ўтаб келди, — дейди Асрор Норов. — Биргина 2025 йилда 145 нафар ёш тадқиқотчи танловларда ғолиб бўлган. Уларнинг 98 нафари нуфузли илмий марказлар ва лабораторияларда қисқа муддатли стажировка ўташ учун хорижга юборилди. Уларнинг 80 фойзи 35 ёшгача бўлган илмий ходимдир.

Стажировка ёш олимларнинг нафақат илмий кўникмаларини мустаҳкамляпти, балки халқаро илмий ҳамжамиятга кириш, янги лойиҳаларни Ўзбекистонда татбиқ этиш ва салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Хусусий сектор драйвер бўлмоқда

Инновацион ривожланиш агентлиги йил давомида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда корхоналар самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли лойиҳаларни молиялаштирди. Натижада хусусий сектор томонидан илм-фан ва инновацияларга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 6 миллиард 353 миллион сўмдан кўпроқни ташкил қилди.

Бу кўрсаткич мамлакат иқтисодиётида инновацияга қизиқиш ортиб бораётгани, хусусий сектор илмий натижаларни реал иқтисодий самараларга айлантиришга тайёр эканини англайди.

— Хусусий сектор лойиҳалари турли соҳаларни қамраб олган, — дейди Инновацион ривожланиш агентлиги бошқарма бошлиғи Умиджон Ҳошимов. — Қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачилик йўналишига жами 1 миллиард 944,15 миллион сўм инвестиция йўналтирилди. Жумладан, гуруч чиқиндиларидан озуқа қўшимча ишлаб чиқарувчи “CBF Animal Nutrition” лойиҳаси 973,45 миллион сўмга молиялаштирилди. “Innovatex” ва “Technological joriy qilish markazi” МТҲ эса иқлим ўзгаришига чидамли бугдўй навларини жорий этиш бўйича 970,70 миллион сўмлик лойиҳалар амалга оширди. Ушбу ташаббуслар нафақат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ҳосилдорликни ошириш ва импорт ўрнини босиш, балки илмий инновацияларни амалий иқтисодиётга татбиқ этиш бўйича ҳам муҳим қадамдир.

Озиқ-овқат саноати йўналишида жами 1 миллиард 151,41 миллион сўмлик лойиҳалар амалга оширилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида биотехнологик лойиҳалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Қўллаб-қувватланган лойиҳалар қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш,



энергетика ва экология соҳаларида реал натижалар бериб, хусусий секторни мамлакатнинг инновацион тараққиёт локомотиви сифатида шакллантиришда муҳим аҳамият касб этапти. Инновацион ривожланиш агентлиги 2019-2025 йилларда 30 дан ортқ стартап лойиҳа танловини эълон қилган. Мазкур танловлар натижасида жами 218,3 миллиард сўмлик 389 та стартап лойиҳа молиялаштирилди, уларни амалга ошириш орқали 369 та янги инновацион корхона ташкил этилди. Мазкур корхоналар фаолияти натижасида 2316 та янги иш ўрни очилди.

Стартапларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг амалий лойиҳаларга айлантирилиши орқали нафақат иқтисодий ўсишга, балки кенг миқёсда иқтисодий барқарорликка, яш ўринлари яратишга ва инновацион муҳитни ривожлантиришга эришиш мумкин.

Бу эса мамлакатимизнинг узоқ муддатли стратегик мақсадларида ёшларга имконият яратиш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Чунки инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, тараққиёт бўлмайди.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

